

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СОХИБОВА ЛОЛА ЖОНИБОВЕВНА

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ШАХС
МАДАНИЙ САВИЯСИГА ТАЪСИРИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

УДК:130:152.32

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Сохибова Лола Жонибоевна

Ўзбекистондаги ижтимоий жараёнларнинг шахс
маданий савиясига таъсири.....3

Сохибова Лола Жонибоевна

Влияние социальных процессов на культурный уровень личности в
Узбекистане21

Sokhibova Lola Joniboevna

The influence of social processes in Uzbekistan to the
cultural level of a person41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications.....45

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СОХИБОВА ЛОЛА ЖОНИБОВЕВНА

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ШАХС
МАДАНИЙ САВИЯСИГА ТАЪСИРИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Fal520 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Чориев Санжарбек Анварович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хаджиева Мақсуда Султановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Мухтаров Азамат Мухтарович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “29” октябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (186 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил “15” октябрь куни тарқатилди.
(2022 йил “15” октябрь даги 22 рақамли реестр баённомаси.)



Наврўзова Г. Н.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А. З.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори, доцент

SKes

Саломова Х. Ю.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон XXI асрда кишилиқ жамияти маданий тараққиётининг янги босқичига қадам қўйгани ва содир бўлаётган ижтимоий жараёнлар турли касбий ва ижтимоий билим, кадрият, ғояларнинг шаклланиши жараёнини жадаллаштиргани муносабати билан шахсинг улардан хабардорлиги даражасини аниқлаш зарурияти юзага келмоқда. Ҳар бир шахсни мазкур билим, кадриятлар ва ғояларни ўзлаштиришдан “бездирадиган”, чалғитадиган омиллар унинг маънавий қиёфасини салбий омиллар таъсиридан ҳимоялаш йўлларини топиш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шахс маданий савияси шаклланиши жараёнининг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари, ижтимоий-фалсафий жиҳатлари ҳамда бу борадаги маданий-маърифий ишларни такомиллаштиришнинг хусусиятларини очиқ бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида шахс маданий савияси, ижтимоий жараёнларнинг унга таъсири билан боғлиқ муаммоларга оид илмий-назарий ва амалий-инновацион тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шахс умуммаданий параметрларини белгилаш, “ижтимоий жараёнлар – шахс маданий савияси” контекстидаги муаммоларни ўрганишга, шахсинг янги билим ва ғоялардан хабардорлиги даражасини аниқлашга, инсонни прогрессив билимлар ва инсонпарвар ғояларни ўзлаштиришга ундаш йўлларини топишга бўлган уринишлар тобора кўпроқ кўзга ташланмоқда. Шу нуқтаи назардан шахс маданий савиясини юксалтиришга хизмат қилувчи билим, ғоя ва кадриятлар билан боғлиқ хусусиятлар, иқтисодий, сиёсий, маънавий-мафкуравий омилларни ҳамда маданий савияни юксалтиришга халал бераётган ижтимоий иллатларни бартараф этишнинг инновацион усулларини аниқлаш зарурати ортиб бормоқда.

Мамлакатимизнинг тараққиёт стратегияси амалга оширилаётган ҳозирги босқичида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, ёшларда маънавий фазилатларни юксалтириш, маънавий-маърифий ишларни юқори савияда амалга оширишга қаратилган ислохотлар олиб борилмоқда. “Мени доимо ўйлантирадиган, ташвишга соладиган яна бир долзарб масала бу – ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, маданий савияси, бир сўз билан айтганда, тарбияси билан боғлиқ. Биз бу йўналишда катта ишларни амалга оширяпмиз. Аммо уларнинг самарадорлигини янада кучайтириш учун бир қатор масалаларга жиддий эътибор беришимиз зарур”¹. Шу сабабли Ўзбекистон шароитида шахс маданий савиясининг шаклланиш қонуниятлари, таълим ва тарбияга оид жиҳатларини аниқлаш ҳамда унга реал воқеликнинг таъсири, шахс маданий савиясининг ахлоқий асослари, маданий-маърифий ишларни такомиллаштиришга оид концептуал ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – Б.257

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”, 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида” қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги 781-сон “2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”, 2022 йил 7 июндаги 312-сон “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шахс маданий савиясининг шаклланиши қонуниятлари ижтимоий фалсафанинг аҳамиятли муаммоларидан бири бўлгани боис тадқиқотчилар томонидан турли ракурсларда тадқиқ қилиб келинади. Жумладан, В. Бейкер ва Р. Инглехарт, Д. Кросби, Ю. Степанюк тадқиқотларида шахс маданий савиясининг мазмуни ва таркиби, мезонлари ва манбалари, жаҳонда кечаётган ижтимоий жараёнларнинг шахс маданий савиясига таъсири хусусида фикр юритилади².

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида бу борадаги илмий изланишларга Л.Коганнинг мақолаларида туртки берилган³. XX аср охири XXI аср бошларида юз берган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-мафкуравий янгиланишлар маданий ҳаёт характерини ҳам, кишиларнинг унга, мавжуд билим, ғоя ва қадриятларга муносабатини ҳам тубдан ўзгартирди. Шу

² Inglehart R., Baker W. Modernization, cultural change, and the per-sistence of traditional values // American sociological review, 2000, -№65, P.19-51; Crosby D. The Specter of the Absurd: Sources and Criticisms of Modern Nihilism. / SUNY Series in Philosophy. Albany: State University of New York Press, 1988; Stepanyuk Yu. Moral education as a pledge of the formation of the citizenship of youth //Higher School, 2016, №8.- P. 88-90.

³ Коган Л.Н. Культурный уровень и культурная деятельность.// Исследование культурной деятельности и культурного уровня населения городов Урала.- Свердловск, 1979.- С. 3-13.

муносабат билан шахс маданий савиясининг шаклланиши жараёнини янги воқелик нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш зарурияти Э. Атагимов ва Г. Макаренко, В. Барабанов ва А. Григоренко, М. Беллон, И. Бережная ва Н. Бухарцева, Л. Гайдарова, А. Жигулин И. Осколков, О. Плебанек, М. Рендл асарларида таъкидланиб, унинг асосий параметрлари белгилаб берилди, шахснинг касбий ва ижтимоий билимлардан, миллий ва умуминсоний кадриятлардан, инсонпарвар ғоялардан хабардорлиги даражасини ошириш йўллари тўғрисида мулоҳаза юритилди⁴.

Мамлакатимизда мазкур долзарб муаммо ўтган асрнинг 90-йилларидан буён атрофлича тадқиқ қилинади. Хусусан, А. Эшаманов, Б. Искандаров Г. Наврўзова, Р. Шодиев асарларида⁵, шахс маданий савиясини ифодаловчи турли элементларнинг шаклланиши жараёни фалсафий-тарихий контекстда очиб берилса, И. Каримов, А. Эркаев, Н. Ҳақимов, Ж. Яхшиликков ва Н. Муҳаммадиев, Р. Рузиева, И. Суванов, М. Тешабоев, А. Чориев, Қ. Назаров, З. Қодирова, С. Чориев, А. Мухтаров илмий ишларида⁶ шахснинг билим, ғоя ва кадриятларни ўзлаштиришига таъсир кўрсатувчи ижтимоий омиллари тадқиқ этилган.

Юқорида номлари қайд этилган хорижий ва мамлакатимиз олимларининг тадқиқотларда мавзунинг турли жиҳатлари фалсафий ва илмий билимнинг турли ракурсларида тадқиқ қилинган ва қилинмоқда. Аммо, “ижтимоий жараёнлар – шахс маданий савияси” алоқадорлигининг

⁴ Атагимов Э.И., Макаренко Г.И. Правовое просвещение: проблемы и пути решения // Мониторинг правоприменения, 2015, - №1. -С.19-24; Барабанов В.В., Григоренко А.Ю. Задачи духовно-нравственного просвещения и воспитания в современной школе // Universum: Вестник Герценовского университета, 2009, - №10. -С.38-41; Беллон М.А. Культура питания: особенности ценностных смыслов // Вестник СПб ГИК, 2018, - №2. -С.47-51; Бережная И.Ф., Дюжакова М.В. Организация внеучебной деятельности студентов в университетах США.// Вестник ВГУ. Серия: Проблемы высшего образования, 2017, №1. -С.36-39; Бухарцева Н.Г. Самообразование как актуальный вид деятельности.// Педагогическое образование в России, 2013, №3. -С.11-16; Гайдарова Л.И. Педагогическое просвещение родителей как фактор модернизации воспитательной работы в школе: Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. канд. пед. н.- Махачкала: Дагестанский ГПУ, 2012; Жигулин А.А. Общекультурные параметры личности.// Гуманитарные научные исследования, 2012, - №3. -С.25-27; Осколков И.А. Культура одежды: понятие, структура и условия формирования.// КПЖ, 2016, - №6. -С.87-89; Плебанек О.В. Социальное знание: пределы роста // Гуманитарные и общественные науки, 2014, №1. -С.11-14; Рендл М.В. Социокультурные основания общества модерна: концептуализация идеи «Освобождения» индивида // Гуманитарий Юга России, 2016, №6. -С.54-57.

⁵ Эшаманов А. Роль трудового коллектива в формировании и развитии культурного кругозора у работающей молодежи: Автореф. дисс. ... канд. филос. наук.-Т.: ИФиП АН РУз,1993; Искандаров Б. Тасаввуф фалсафаси. – Тошкент, 1995. – 132 б.; Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоваддин Накшбанд Ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: “Фан”, 2021.; Шодиев Р.Т., Бахриева Д.Х. Суфизм в духовной жизни народов Мавераннахра (IX-XII), Монография. - Самарканд, 2018.;

⁶ Каримов И. Юксак маънавият – энгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008; Эркаев А. Маънавиятшунослик. - Т.: “Маънавият”, 2018; Ҳақимов Н.Х. Стратегия развития страны. Гражданское общество. –Т.: “Иқтисодиёт”, 2021, - 257 с.; Яхшиликков Ж., Муҳаммадиев Н. Миллий ғоя ва мафкура. - Т.: Фан, 2015; Рўзиева Р. Жамиятнинг маънавий янгилинишида миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлигини шакллантириш масалалари: Фалс.ф.д. илмий дар. олиш учун ёз. дисс. автореф. - Т.:ЎзР ФА ФҲИ, 2012; Суванов И. Шахс маънавиятини юксалтиришда миллий ғоя ва ўзликни англаш диалектикаси: Фалс.ф. бўйича фалс. докт (PhD) дисс. автореф.- Т.: ЎзМУ, 2018; Тешабоев М. Ёшларда ахлокий маданиятни такомиллаштириш // Жамият ва бошқарув, 2010, №3. – Б.31-33; Чориев А. Инсон фалсафаси. Мустақил шахс. Иккинчи китоб. - Т.:Chinor ENK, 2002; Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси. – Т.: “Академия”, 2011. -113 б.; Кадырова З.Р. и др. Проблемы формирования идеологического иммунитета молодежи в процессе развития у неё современного мировоззрения и национальной идентичности. – Т.: Национальный университет Узбекистана, 2012. - 202 с; Мухтаров А. Глобаллашув шароитида маънавий таҳдидларни бартараф этиш омиллари. – Т.: “Маънавият”, 2015. – 32 б.; Чориев А.С. Инсон фалсафаси. Мустақил шахс. Иккинчи китоб. - Т.: Chinor ENK, 2002;

ижтимоий-фалсафий жиҳатлари алоҳида ўрганилмаганлиги боис мазкур тадқиқотда ушбу муаммонинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини илмий-амалий жиҳатдан ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-1-173 рақамли “Баркамол инсон шахсини шакллантиришнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари” (2020-2025 йй) илмий лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистондаги ижтимоий жараёнларнинг шахс маданий савиясига таъсири характерини аниқлаш ва уни юксалтиришнинг ижтимоий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шахс маданий савиясининг мазмуни, таркиби, мезонлари ва шаклланиш манбаларини асослаш;

шахс маданий савиясининг шаклланиши жараёнини тарихий ва ижтимоий контекстларда тадқиқ этиш ва қонуниятларини аниқлаш;

Ўзбекистонда шахс маданий савиясига хос бўлган асосий хусусиятларни очиб бериш;

шахс маданий савиясига таъсир кўрсатаётган ижтимоий жараёнларни тадқиқ этиш;

шахс маданий савиясини юксалтиришнинг маданий-маърифий, таълимий ва тарбиявий омилларини асослаш ҳамда йўлларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот объекти сифатида шахс маданий савиясининг шаклланиши жараёни ташкил этади.

Тадқиқот предметини “ижтимоий жараёнлар – шахс маданий савияси” контекстидаги диалектик алоқадорликни асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, умумлаштириш, қиёсий таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, объективлик, тизимлилик, социологик сўров каби илмий билиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

реал воқеликнинг илмий инъикоси асосида тарихий тараққиёт давомида шахс маданий савияси ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг ўзгариши, қадрият ва парадигмалар янгиланиши, маданий ривожланиш, прогрессив тараққиёт тамойилларига кўра турли характерга (мифологик, теоцентрик, антропологик, рационал, плюралистик) эга бўлгани исботланган;

шахс маданий савиясининг таркибий қисмлари (билим, ғоя ва қадриятлардан воқифлиги) иқтисодий эҳтиёжларнинг ошиб бориши, прагматик сиёсат ва инсон қадрининг тобора юксалиши сабабига кўра объектив шарт-шароитлар (турмуш тарзи, сиёсий соҳа, маънавий-мафкуравий вазият) ва субъектив омиллар (таълим, тарбия ва мустақил таълим) таъсирида шаклланиши очиб берилган;

Янги Ўзбекистонда шахс маданий савиясини юксалтиришнинг замонавий билим билан қуроллантириш, маънавий-ахлоқий қадриятларни чуқур сингдириш, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий анъаналарга чуқур ҳурмат, адабиёт ва санъатга қизиқтириш, маданий меросни асраб-авайлаш йўналишларининг ижтимоий-фалафий хусусиятлари очиб берилган;

маърифий жамият барпо этишда шахс маданий савиясини юксалтиришга ҳалал бераётган ижтимоий иллатлар (билимнинг қардсизлашуви, ахлоқий деградация, ғоявий нигилизм, псевдоқадриятларнинг пайдо бўлиши, аксиологик деформация, псевдоадабиёт ва псевдосанъат ривожини)ни бартараф этишда маданий-маърифий ишларни такомиллаштириш зарурати асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

шахс маданий савиясига таъсир кўрсатаётган ижтимоий омиллар, умумижтимоий маданий-маърифий ишларнинг мақсади, вазифалари, асосий йўналишлари аниқланган ҳамда маданий-маърифий ишларни умумижтимоий мақсадлар билан мувофиқлаштиришда назарий-методологик асос вазифасини бажарган;

таълим ва маданият муассасаларининг шахс маданий савиясини юксалтиришга қаратилган маданий-маърифий ишларини такомиллаштиришга оид амалий тавсиялар маънавий-маърифий тадбирларнинг мазмунини бойитишга хизмат қилган;

Янги Ўзбекистонда маърифатли жамият барпо этиш концепциясининг миллий ва умуминсоний қадриятлардан хабардорлик даражаси, инсонпарварлик ғояларидан воқифлик меъёри, ижтимоий ва касбий билимларни ўзлаштирганлиги даражаси каби мезонларига оид таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференцияларда муҳокамадан ўтказилганлиги, тадқиқот иши натижалари юзасидан берилган хулосалар, таклиф ишлаб чиқилганлиги ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, муаллиф томонидан объективлилик ва системавийлик тамойили асосида ўтказилган социологик сўров натижаларига таянилгани ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда ўз аксини топган хулосалар шахс маданий савияси билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этишда, унинг шаклланиш қонуниятларига доир янги назариялар ва гипотезалар ишлаб чиқишда, жамият соҳаларида конструктив ижодий муҳитни яратиш технологияларини ишлаб чиқишда, маданий савияни юксалтириш билан шуғулланувчи маънавий-маданий тарбия муассасаларининг амалий фаолиятида шунингдек, баён этилган хулосалардан ушбу йўналишдаги кейинги тадқиқотлар учун муайян назарий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, унда ўз аксини топган назарий хулосалар ва умумлашмалар, конкрет амалий таклиф-тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ҳамда таълим муассасаларининг таълимий ва тарбиявий фаолиятида Республика Маънавият-маърифат маркази, фуқаролик жамияти институтлари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятида, шунингдек, Ёшлар ишлари агентлигининг талабалар учун уюштириладиган мулоқот, давра суҳбатларида ҳамда ушбу йўналишдаги маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистондаги ижтимоий жараёнларнинг шахс маданий савиясига таъсирини тадқиқ қилиш орқали олинган илмий натижалар асосида:

реал воқеликнинг илмий инъикоси асосида тарихий тараққиёт давомида шахс маданий савияси ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг ўзгариши, кадрият ва парадигмалар янгилиниши, маданий ривожланиш, прогрессив тараққиёт тамойилларига кўра турли характерга (мифологик, теоцентрик, антропологик, рационал, плюралистик) эга бўлганига оид назарий умумлашма ва хулосалардан Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган ОТ-Ф1-106 “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий меросининг Ғарб олимлари томонидан тадқиқ этилиши” (2017-2020 йй) мавзуидаги фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий университетининг 2021 йил 21 декабрдаги 04/11-8512-сон маълумотномаси). Натижада, шахс маданий савиясининг шаклланиши қонуниятларига доир билимларни умумлаштиришга, амалий лойиҳанинг самарали бажарилиш ҳамда натижадорлигининг ошишига хизмат қилган;

шахс маданий савиясининг таркибий қисмлари (билим, ғоя ва кадриятлардан воқифлиги) иқтисодий эҳтиёжларнинг ошиб бориши, прагматик сиёсат ва инсон кадрининг тобора юксалиши сабабига кўра объектив шарт-шароитлар (турмуш тарзи, сиёсий соҳа, маънавий-мафкуравий вазият) ва субъектив омиллар (таълим, тарбия ва мустақил таълим) таъсирида шаклланишига доир хулосалар ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси 2020-2024 йилларига мўлжалланган “Ҳаракат дастури”нинг II боби 3-10 “Кучли ижтимоий сиёсат – халқ фаровонлигининг кафолати” бандлари ҳамда V боби 14-15 “Юрт келажаги ватанпарвар ёшлар қўлида” бандларида белгиланган чоратадбирларни амалга оширишда “Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий кадрият”, “Бугунги ёшлар Ўзбекистон эртаси, келажак бунёдкори” мавзусидаги семинар, “Миллий кадриятлар кадр топган юрт”, “Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари”, “Ўзбекистон ёшлари сиёсий жараённинг фаол иштирокчиси” мавзуларидаги давра суҳбатлари дастур сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий кенгашининг 2021 йил 15 декабрдаги 01/02-457-сон маълумотномаси). Натижада, ўтказилган тадбирларда шахс маданий

савияси билан боғлиқ хусусиятларни аниқлаш, ёш авлоднинг маданий савиясини оширишда объектив ва субъектив омилларни ҳисобга олиш, шу асосда ижтимоий сиёсат юритиш механизмларини ишлаб чиқишда методологик асос сифатида хизмат қилган;

Янги Ўзбекистонда шахс маданий савиясини юксалтиришнинг замонавий билим билан қуроллантириш, маънавий-ахлоқий кадриятларни чуқур сингдириш, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий анъаналарга чуқур ҳурмат, адабиёт ва санъатга қизиқтириш, маданий меросни асраб-авайлаш йўналишларига оид назарий мулоҳазалар ва амалий тавсиялардан тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил учун мўлжалланган “Ёшларда соғлом маънавий дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, уларда санъат ва маданиятга меҳр-муҳаббат туйгуларини ошириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш, ахборот ҳуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга қарши чора-тадбирлар” ижросини таъминлашда, “Глобаллашув шаротида жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнидаги маънавий-ахлоқий кадриятлар ривожини тадқиқ қилишга доир янги авлод илмий-фалсафий адабиётларни яратиш” (2017-2020 йй) мавзуидаги амалий лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 1 июндаги 02-08/630-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг дунёқарашини замонавий билим, юксак маънавият ва маърифат асосида шакллантиришга хизмат қилган;

маърифий жамият барпо этишда шахс маданий савиясини юксалтиришга ҳалал бераётган ижтимоий иллатлар (билимнинг қардсизлашуви, ахлоқий деградация, ғоявий нигилизм, псевдокадриятларнинг пайдо бўлиши, аксиологик деформация, псевдоадабиёт ва псевдосанъат ривожининг бартараф этишда маданий-маърифий ишларни такомиллаштириш заруратига оид амалий таклиф ва тавсиялардан Қашқадарё вилоят телерадиокомпанияси томонидан маънавий-маърифий мавзулардаги кўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар тайёрлашда, “Олтин воҳа” радиоканали орқали 2021 йил 25 апрель куни эфирга узатилган “Нафосат” радиоэшиттиришнинг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 17 майдаги 12-15/151-сон маълумотномаси). Натижада, телетомошабинлар ва тингловчиларнинг шахс маданий савиясининг шаклланиши билан боғлиқ долзарб муаммолар билан таништиришга ҳамда уларни бартараф этиш йўлларида оид билимларини ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (3 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Шахс маданий савияси: концептуал-таркибий ва ижтимоий-тарихий таҳлил”** деб номланган бўлиб, унда “маданий савия” тушунчасининг асосий таркибий элементлари аниқланган ҳамда унинг ҳар бир даврда замона қадриятлари, ғоялари, ўзлаштирилган билимлар диапазониغا мутаносиб бўлгани очиқ берилган.

“Маданий савия” тушунчасининг вужудга келиши шахснинг моддий ва маънавий қадриятларни ўзлаштирилгани даражасини аниқлаш зарурияти билан боғлиқ. Бугунги кунда маданий савия деганда инсон ижтимоий қиёфасининг ўта муҳим аломатларидан бири тушунилади. *Маданий савия шахснинг миллий ва умуминсоний қадриятлардан воқифлиги меъёрини, инсоният томонидан асрлар давомида тўпланган билим ва ғояларни ўзлаштирганлиги даражасини, мазкур қадриятлар ва билимлар асосида фаолият кўрсатиш малакасини ифодаловчи тушунчадир.* А. Жигуновнинг фикрига кўра⁷, шахс маданий савиясининг икки жиҳати мавжуд: махсус-маданий ва умуммаданий жиҳатлар. Махсус-маданий жиҳат шахснинг таълимий ва малакавий параметрлари, илмий-техник салоҳияти, ижодий имкониятлари, ҳаёти ва меҳнат фаолияти давомида эришган ютуқлари билан тавсифланади. Шахс маданий савиясининг умуммаданий жиҳати эса унинг инсоният цивилизацияси ютуқларидан воқифлиги, маънавий маданият маҳсулларида хабардорлиги ҳолати, маданий фаолиятининг аҳволи, унинг майллари, эҳтиёж ва манфаатлари характери, ахлоқий қиёфасининг ўзига хос хусусиятларидан таркиб топади.

Диссертант ҳар қандай тушунча ўз таркибига эга бўлгани каби шахс маданий савияси ҳам ўз таркибий элементларига эгаллигини қайд этган. Бу элементлар туркумига миллий ва умуминсоний қадриятлардан хабардорлик даражаси, инсоният томонидан асрлар давомида шакллантирилган инсонпарварлик ғояларидан воқифлик меъёри, ижтимоий ва касбий билимларни ўзлаштирганлиги даражаси киради.

⁷ Жигулин А.А. Общекультурные параметры личности.// Гуманитарные научные исследования. 2012. -№ 3. – С.31.

Тадқиқотда айна пайтда, масаланинг нозик жиҳати бу таркибий элементлар инсон ҳаёти ва фаолиятида у ёки бу тарзда намоён бўлиб бориши эканлиги таъкидланган. Шахс маданий савияси таркибий элементларининг салмоғини билиш учун уларнинг намоён бўлиш шакллари аниқлаш ва бу шакллардан мезон сифатида фойдаланиш зарур. Мазкур мезонлар нафақат шахс маданий савиясини ўзига хос тарзда ўлчаш йўллари ўргатади, балки ушбу феноменнинг мазмуни тўғрисида янада тўлароқ тасаввур ҳосил қилади. Шахс маданий савиясини аниқлашда қўл келадиган мезонларнинг айримлари унинг онги (интеллектуал фаоллик, касбий маълумотларни оширишга иштиёқ, мустақил таълим олишга иштиёқ, миллий ғурур), бошқалари эса унинг хулқ-атвори ва фаолияти (маиший маданияти, кийиниш маданияти, овқатланиш маданияти, интизомга риоя қилиш кўникмалари, моддий ва маънавий бойликлардан фойдаланиш малакаси, ватанпарварлик) билан боғлиқ.

Табиийки, шахс маданий савиясининг ҳар қандай таркибий элементи, уларнинг намоён бўлиш шакллари қотиб қолган, ўзгармас моҳият эмас. У турли омил ва воситалар таъсирида такомиллаша боради. Ушбу омил ва воситаларни шахс маданий савиясини такомиллаштирувчи асосий манбалар деб аташ мумкин. Бундай манбалар турли-туманлиги билан характерланади ва ўзининг объектив ёки субъектив характери билан ажралиб туради. Жумладан, бир томондан, шахс маданий савияси жамиятда ҳукм сураётган иқтисодий вазият ва иқтисодий тараққиёт суръатлари, жамият аъзоларининг турмуш тарзи ва даражаси, жамиятнинг сиёсий соҳаси, маънавий-мафкуравий вазият каби объектив шарт-шароитлар таъсирида қарор топади. Иккинчи томондан, унинг ҳолати ва шаклланиши жараёнига таъсир кўрсатишга қодир манбалар орасида субъектив омиллар – таълим, тарбия ва мустақил таълимнинг ўрни катта.

Диссертант таъкидлашича, шахс маданий савияси инсоният тарихи давомидаги шарт-шароитларга монанд равишда такомиллашиб борган. Ҳар бир даврда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт янги билим ва ғояларнинг шаклланишига сабаб бўлган, бу билим ва ғояларнинг ўзлаштирилиши шахс маданий савиясининг характерини белгилаб берган.

Қадимги дунёда мураккаб табиий шарт-шароитлар инсонни унга мослашган ҳолда хўжалик фаолияти юритишга мажбурлаш, бундай мослашиш фаолияти табиат ҳақидаги муайян мифологик тасаввурларни шакллантиришни тақазо қиларди. Шу боисдан қадимги дунёнинг дастлабки босқичида яшаган кишилар маданий савияси мифологик характерга эга эди. Бу маданий савия реал ва тасаввурдаги ҳаёт ўртасида чегара қўймайдиган, афсона, эртақ, дoston, қўшиқларда ифодаланган билимларга асосланган эди. Қадимги дунё цивилизациясининг кейинги босқичида инсоният ижтимоий-иқтисодий фаолияти деҳқончилик ва чорвачилик билан боғлиқ бўлди. Деҳқончилик ва чорвачиликка доир натуралистик билимларнинг ўзлаштирилиши шахс маданий савиясига ҳам натуралистик характер бахш этган. Бу маданий савия табиат, ундаги ҳодисалар ва жараёнларга доир билимларга асосланган эди.

Ўрта асрларда кишлок хўжалигидаги ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши, хунармандчилик ва савдо-сотикнинг ривожланиши, савдо-иқтисодий муносабатлар маркази вазифасини ўтовчи шаҳарларнинг пайдо бўлиши иқтисодий тараққиётни жадаллаштирган. Янгича иқтисодий муносабатлар ижтимоий ва маданий соҳалардан қадимги дунёга хос қадриятлар, парадигмалар, тенденцияларни суриб чиқарган. Оқибатда мохиятан теоцентрик характерга эга бўлган ижтимоий-гуманитар билимлар, теоцентрик онтологияга асосланган табиий-илмий билимлар шаклланди. Бу жараёнлар шахс маданий савияси характерини ўзгартирди. Эндиликда теоцентрик характер касб этган бу савия табиат ва жамиятдаги жараёнлар сабабини, инсон борлиғи мохиятини Худо билан боғловчи билимларга асосланган эди.

Ренессанс даврида илк марказлашган давлатларнинг юзага келиши мамлакатлар иқтисодиётининг жадал тараққий топишига замин яратди. Янги иқтисодий муносабатлар инқилобий маданий ўзгаришларни юзага келтирди. Китоб нашрининг кашф қилиниши, география, математика, анатомия, физиология, тиббиёт, картография, кимё, астрономия соҳасидаги кашфиётлар жамият ижтимоий-маданий ҳаётини тубдан ўзгартирган. Ижтимоий ҳаётда дин мавқеининг заифлашиши теоцентрик дунёқарашга барҳам берди, унинг ўрнини антропоцентрик дунёқараш эгаллади. Ушбу кайфият шарофати билан шаклланган билимларни ўзлаштирган шахс маданий савияси ҳам антропоцентрик характер касб этди. Бундай маданий савия инсон, унинг эҳтиёж ва манфаатларини улуғловчи билимларга асосланган эди.

Инсоният тарихининг *янги замон* номини олган даврида аввалги тарихий даврларда ҳукм сурган меҳнат шакллари ўрнини мануфактуравий ишлаб чиқариш эгаллади. Мануфактура илм-фанни ривожлантиришни, уни ишлаб чиқарувчи кучга айлантиришни тақозо қилди. Ижтимоий тенденцияларга жавобан фан ижтимоий онгнинг ўзига хос шакли, ишлаб чиқаришни рационаллаштириш омили сифатида тараққий топди. Ушбу тенденциялар таъсирида янги замон кишининг маданий савияси илмий, рационал характерга эга билимларга, илм-фанни, маърифатни улуғловчи ғояларга асосланди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида кишилик жамияти модерн даврига қадам қўйди. *Модерн жамият* иқтисодиёти илм-фан ва техниканинг шиддатли тараққиётини таъминлади. Бу даврда шаклланган янги типдаги шахс тобора кўпайиб бораётган билимлар орасидан ўз моддий фаровонлигини таъминлайдиган, эҳтиёж ва манфаатларини қондиришга хизмат қиладиган билимларнигина танлашга, уларни ўзлаштиришга одатланди. Бошқача айтадиган бўлсак, модерн жамиятда шаклланган шахснинг маданий савияси прагматик характердаги билим ва ғояларга асосланадиган бўлди.

Диссертацияда шахс маданий савияси тарихан шаклланиш билан бир қаторда муайян даврдаги турли жараёнлар, омиллар таъсирида ҳам ўзгариши қайд этилган. Бу омиллар ҳақида гапирганда, биринчи навбатда жамиятнинг *иқтисодий эҳтиёжларини* тилга олиш зарур. Иқтисодий эҳтиёжларни

қондиришга интилиш турли неъ-матларнинг вужудга келиши билан интиҳо топади. Айна пайтда иқтисодий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган фаол фаолият маънавий неъматларни – билимлар, ғоялар, таълимотларни ҳам ҳосил қилади. Мазкур билим ва ғоялар иқтисодий фаолият кўрсатиш билан боғлиқ кадриятларни юзага келтиради. Янги билим ва кадриятларнинг шахс томонидан ўзлаштирилиши унинг мада-ний савиясини белгилаб беради.

Шахс маданий савияси жамиятда қарор топган *ижтимоий вазият* таъсирида шаклланади. Қайсики жамиятда билим ва кадрият шахслар, ижтимоий гуруҳлар ва табақалар, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлар характерини белгиловчи мезон даражасига кўтарилса, ўша жамиятда билим ва кадриятларни ўзлаштиришга интилиш катта бўлади, кишиларда билим ва инсонпарвар кадриятларни улуғлаш кайфияти илдиз отади. Аксинча, ижтимоий муносабатларда билим ва кадриятларнинг ўрни бўлмас экан, энг кўламли ислохотлар ҳам шахс маданий савиясини юксалтирмайди.

Шахс маданий савиясининг шаклланиши билан жамиятда ҳукм сураётган *сиёсий режим* ўртасида ҳам алоқадорлик мавжуд. Демократик сиёсий режим ўрнатилган давлатларда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маданий плюрализм ҳукм суради. Авторитаризм шахс маданий савиясининг тўлақонли ривожига халал беради. Тоталитаризм шароитида шахс давлат раҳбари, сиёсий давралар ҳоҳиш-иродасига мос билимларни ўзлаштиришга, улар маъқуллаган кадриятларни қабул қилишга мажбур бўлади, холос.

Шахс маданий савиясининг шаклланиши жамиятдаги *таълим ва маданият муассасалари фаолияти* билан ҳам боғлиқ. Ҳар қандай таълим муасса-саси ўзи жойлашган ҳудудда истиқомат қилаётган кишиларга жиддий маърифий-тарбиявий таъсир кўрсатиш, ўша ҳудудда мақбул маънавий муҳитни ву-жудга келтириш имконига эга. Улар шахснинг ижтимоий-гуманитар, табиий-илмий, математик ва техник билимлардан хабардорлиги даражасини оширишда устувор аҳамият касб этади. Таълим муассасалари шахснинг турли билимлардан хабардорлигини оширишда етакчилик қилса, маданият муассасалари унинг турли инсонпарварлик ғоялари, миллий ва умуминсоний кадриятлардан воқифлиги даражасини юксалтиришда жиддий рол ўйнайди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ўзбекистонда шахс маданий савияси: барқарорлик ва ўзгаришлар диалектикаси**” деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистонда шахс маданий савиясининг асосий хусусиятлари ва уларни ўзгартираётган ижтимоий жараёнлар очиб берилган.

Ҳар бир миллатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, сиёсий борлиғи, маънавий ҳаёти турлича бўлгани, ўзига хос тарзда кечгани боис унинг вакилининг маданий савияси характери бошқалардан фарқланиши мумкин. Масалан, Шарқ мамлакатларининг ижтимоий-тарихий тараққиёти Ғарбдагига қараганда ўзгачароқ содир бўлган. Иқтисодий тараққиёт мўлжаллари ва босқичлари хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Шарқ ва Ғарб турмуш тарзи, кадриятлари, анъана ва маросимлари, ривожининг йўналишларини белгилаб берган ғояларида ҳам сезиларли тафовутларни кўриш мумкин. Бу

тафовутлар Шарқ ва Ғарбда ўзаро айрича бўлган маданиятларни вужудга келтиргани мутахассислар томонидан кўп эътироф этилган. Маданий савия эса маданиятнинг шахсадаги ифодаси, инъикосидир. Шу сабабдан Шарқ кишисида бир характердаги, Ғарб кишисида бошқа характердаги маданий савия шаклланиган.

Бироқ бу шахс маданий савияси шаклланиши қонуниятининг бир томони, холос. Иккинчи томони шундаки, Шарқ ёхуд Ғарб цивилизациясига мансуб бўлган икки миллатнинг маданияти ҳам бир-биридан тубдан фарқ қилади. Масалан, немис ва француз, итальян ва грек, тожик ва қозоқ, хитой ва корейс маданиятлари бир-бирига айнан ўхшамаслигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бинобарин, ушбу маданиятлар таъсирида вояга етган шахсларнинг маданий савияси ҳам бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади.

Диссертант бу мулоҳазалар асосида хулоса қилиб, ўзбек маданияти хос жиҳатларига эга бўлгани боис унинг таъсирида вояга етган кишининг маданий савияси ҳам ўзигагина хос бўлган қатор хусусиятларга эгаллигини қайд этади. Тўғри, бу хусусиятларнинг бири бир миллат вакили маданий савиясида, иккинчиси бошқа миллат вакилида бўлиши мумкин. Лекин мазкур хусусиятлар айнан шу яхлитликда фақат ўзбек миллий маданияти таъсирида шаклланиган кишидагина учрайди. Мамлакатимизда шахснинг маданий савияси билим олиш иштиёқининг баландлиги, ахлоқий асосларининг ниҳоятда мустаҳкамлиги, инсонпарварлик ғоялари таъсирида шаклланилиши, миллий анъана ва маросимлардан хабардорлик ва уларга амал қилиш даражасининг юқорилиги, миллий бадиий адабиёт ва санъатдан хабардорлиги, маданий меросга ҳурмат туйғусининг салмоқчилиги билан характерланади.

Диссертант қайд этишича, Ўзбекистонда шахс маданий савиясининг асосий хусусиятлари тарихий тараққиёт давомида жиддий синовлардан ўтиб, тобора ёрқинлашиб борган. Бироқ ўтган асрнинг сўнгги чораги ва янги асрнинг биринчи чорагига келиб шахс маданий савиясида салбий из қолдиришга қодир ижтимоий иллатлар айниқса кўпайди. Уларнинг аксарияти ўзга жамиятлар бағрида юзага келаётганига қарамасдан, глобаллашув асрида ўзбек жамияти вакиллари маданий савиясига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистондаги шахс маданий савиясига салбий таъсир кўрсатишга қодир асосий ижтимоий иллатлар қуйидагилардан иборат:

1. *Илмий билимлар қадрсизлашуви.* Йигирманчи аср мобайнида илм-фаннинг қудратли моддий-техника базасига эга бўлиши илмий билимларни мисли кўрилмаган даражада ривожлантирди. Ижтимоий-гуманитар, табиий-илмий, аниқ фанлар негизига кўплаб янги таълимотлар, назариялар, ғоялар шаклланди. Боз устига, XXI аср бошларига келиб, илмий билимлар ривожига мутлақо янги тенденциялар (масалан, турли соҳаларга доир билимлар интеграцияси) зуҳур бўла бошлади. Айни пайтда илмий билимларни фиксация қилиш ва сақлаш, уларни излаш ва жамлаш технологиялари ҳам тараққий топди. Айнан ана шу сўнгги ҳолат илмий билимларнинг қадрсизланиши жараёнига туртки берди. Дарҳақиқат, исталган пайтда

исталган илмий билимни ахборот излаш порталлари орқали топиш имкони бўлса, юзлаб илмий блог ва сайтлар фаолият кўрсатиб турган бўлса, илмий билимларни ифодалаган луғат, маълумотнома, энциклопедия, электрон базалар бисёр бўлса, уларни ўзлаштиришга нима ҳожат қолади? Илмий билимларнинг кадрсизлашиб бораётгани шахснинг интеллектуал фаоллик, касбий маълумотларни оширишга иштиёқ, мустақил таълим олишга иштиёқ каби мезонларини заифлаштирди.

2. *Ахлоққа зид нормаларнинг пайдо бўлиши.* XX асрдаги ғарбона индивидуалистик турмуш тарзи шахсни ёлғизлик гирдобига улоқтирди. У ўзини ёлғизлик тақдиридан қутқизишнинг ягона йўлини ахлоқий нормаларни бу-зишдан излай бошлади. Бундай тенденция оқибати ўлароқ ахлоқий нормалар инсоннинг жамиятдаги нуфузини, ўрнини белгилайдиган мезон вазифасини ўтамай қўйди. Ахлоқ нормалари ўрнини ахлоқсизлик нормалари эгаллай бошлади, ахлоқсизликнинг ўзи одатий ҳолга айлана бошлади. “Ҳозирги вақтда, - деб ёзган эди И. Каримов, - ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қа-раш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқад-даслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳон-да бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда”⁸ Ахлоққа зид нормаларнинг урчиб кетаётгани, ахлоқсизлик тарғиботининг мисли қўрилмаган кўламга етиши шахс маданий савиясининг маиший маданият, кийиниш маданияти, овқатланиш маданияти каби мезонлари ривожига тўсиқ бўлмоқда.

3. *Ғоявий нигилизм.* Ғоявий нигилизм ҳар қандай ғояга шубҳа билан қараш, унинг кадр-қиммати, ижтимоий аҳамиятини тан олмаслик, ғоя кишиларни ягона мақсад атрофида бирлаштиришга, ижтимоий тараққиётга мазмун ва йўналиш ато этишга қодир бўлган қудрат эканлигини англамаслик демақдир. Кейинги йилларда ғоявий нигилизмга асосланган ижтимоий позиция шаклланди. Жамиятда ижтимоий масалаларни ҳал қилишга технократик ёндашувнинг пайдо бўлиши, технократик тафаккурнинг шаклланиши ғоялар дунёсига бўлган эътиборни заифлаштирди. Маънавиятни ҳавойи гаплар йиғиндиси, миллий ғояни эса ортиқча сафсата деб биладиган кишилар тоифаси пайдо бўлди. Ғоявий нигилизмнинг таъсири ўлароқ ижтимоий интизом ва қонунга риоя қилиш кўникмасининг пасайиши кузатилмоқда.

4. *Вайронкор ғоялар тарғиботи.* Бугунги шароитда вайронкор ғоялар тарғиботида анъанавийлик билан замонавийлик уйғунлиги кўзга ташланмоқда. Бундай ғоялар тарғиботчилари ўз фаолиятларида азалдан қўлланилган услубларга таяниш билан чекланмасдан, виртуал тарғибот шакллари, ижтимоий тармоқларга асосланган тарғибот усулларида ҳам фойдаланмоқдалар. Вайронкор ғоялар тарғиботи шахс ижтимоий билимлари характерини ўзгартириши, уни касбий билимларни эгаллашдан чалғитиши,

⁸ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008.- Б.117.

миллий ва умумбашарий кадриятлардан бегоналаштириши, инсонпарварлик ғояларидан юз ўгиртириши, эътиқодида тузалмас ўзгариш ҳосил қилиши мумкин.

5. *Псевдоқадрият ва аксилқадриятларнинг кўпайиши.* Жамиятимизда мустақиллик йилларида фуқаролар эркинлиги меъёрининг ортиши фолбинлик ва сохта табиблик каби псевдоқадриятларнинг ҳам кенг илдиз отишига сабаб бўлди, уларни тарғиб қилувчи кишиларни кўпайтирди. Бугунги кунда боқимандалик ва текинхўрлик каби қатор аксилқадриятларнинг илдиз отаётгани ҳам кузатилмоқда. Жамиятимизда псевдоқадриятларни асл қадрият деб билаётган, аксилқадриятлар таъсирида умр кечараётган кишилар сони салмоқчилигича қолмоқда. Бу салбий таъсирнинг олди олинмаса, шахс ин-сонпарвар ғоялардан чалғиши, ҳаққоний қадриятлардан узоқлашиши, ҳатто улардаги ор ва ғурур туйғулари сўниши мумкин.

6. *Миллий анъана ва маросимлар деформацияси.* Янги асрдаги қатор объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар, ижтимоий-иқтисодий тенденциялар таъсирида миллий анъана ва маросимлар деформацияси содир бўлмоқда. Масалан, миллий анъаналар ортиқча маросимлар, иррационал элементлар билан бойимокда. Бундай деформацион ҳолатлар шахс маданий савиясининг асосий мезонларидан бири – моддий ва маънавий бойликлардан фойдаланиш малакасини тушириб юбормоқда.

